

6.2. Форс-мажор вазиятлар бошланганлиги хақида Томонлар улар бошланган пайтдан бошлаб 5 (беш) иш куни давомида бир бирини хабардор қилиши керак.

6.3. Форс-мажор вазиятлар юзага келган ҳолда, мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилиш муддати бундай вазиятлар в уларнинг оқибатлари таъсир қилиш вақти давомида узайтирилади.

7. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЧОРАЛАРИ

7.1. Жиноятчиликдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг халқаро ҳужжатларид назарда тутилган коррупцияга ва ушбу ҳуқуқбузарликка қарши курашиш қонун ҳужжатларига кўра давлат органи, давла иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимининг пора олиши, тижоратда пора олиш ёки пор беришда иштирок этиш каби ҳаракатларни рад этиш, шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар амалдаги коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этадилар, кафолатлашда ўзлари, шу жумладан ходимлар, пудратчилар ёки шартномани бажаришда иштирок этадиган агентлар ушбу қонунга зид равишда ҳаракат қилмаслигини таъминлайдилар.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамоийлларига зид бўлган мақсадларда уларга таъси ўтказувчи ҳар қандай шахслар, томонлар тўғридан-тўғри ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали таклифлар, ваъдалар бериш, товламачилик, сўровлар, пул, бошқа қимматбаҳо буюмлар, мол-мулк, мулк ҳуқуқи ёки бошқа моддий ёки номоддий фойдаларни олишда, асоссиз устуликка эришиш ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришишда розилик беришдан воз кечадилар.

7.3. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш чораларни кўришни кафолатлайдилар. Томонлар қонун бузилишига оид, гумонларнинг пайдо бўлиши ёки Шартнома доирасида улар томонидан жалб қилинган Томонлар, ходимлар, фойда олувчилар боғлиқ шахслар ёки бошқа шахслар томонидан бузилиш эҳтимоли борлиги тўғрисида (шу жумладан корпоратив электро почтадан фойдаланган ҳолда) бир-бирларини ёзма равишда очиқ ва дарҳол хабардор қилиш мажбуриятини оладилар.

Шунингдек агар томонлардан бири асосланган ҳолда ёки шубҳа остидаги бошқа томон, унинг ходимлари, бенефициарлари шериклари ёки Шартномани бажаришда иштирок этадиган бошқа шахслар томонидан амалдаги қонунларнинг ва / ёки ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши қоидалари бузилган бўлса, ушбу томон унга ёзма равишда сўров юборишга ҳақлидир. Талабнома келиб тушган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида қонун бузилиш фактини рад қилувчи ёки тасдиқловчи изоҳлар в маълумотлар /ҳужжатларни тақдим этиш талаби билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

7.4. Томонлар, агар томонлардан бири ушбу боб талабларини бажармаган бўлса, шунингдек бошқа томон бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тўғрисида тасдиқ олмаган бўлса ва томон коррупция хавфини камайтириш бўйича чора тадбирларни амалга оширган бўлса, бошқа томон ушбу Битимни бир томонлама бекор қилиш, шунингдек унинг бажарилишини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

7.5. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича Шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган томонидан етказилган зарарни қоплаш ушбу Шартноманинг тегишли моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади, шу билан бирга ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон Шартномани белгиланган бир томонлама бекор қилиш натижасида етказилган зарарни қоплаш талаб қилишга ҳақли эмас.

7.6. Агар келишув бўйича Томонлар ходимларнинг ноқонуний хати-ҳаракатларига, ушбу Шартномага ва амалдаги қонунчиликке шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга мажбурлаш фактларига дуч келса, томонлар бу ҳақд коррупцияга қарши қоидаларга зид бўлганлиги тўғрисида Шартноманинг 10-бобида кўрсатилган алоқа каналлари орқали хаба бериши шарт.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Шартнома бандлари томонларнинг ёзма келишувига кўра ўзгартирилиши мумкин. Шартнома талабларига киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, ажралмас қисми бўлган қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

8.2. Буюртмачи Маъқуллаш натижаларидан катъи назар, Маъқуллаш бўйича ишларни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни мазкур шартномага мувофиқ тўлаши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 июлдаги 456-сон қарори билан тасдиқланган "Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш тўғрисидаги низом" талабларига риоя қилиши шарт.

8.3. Буюртмачи, Бажарувчи томонидан Маъқуллаш бўйича баҳолаш ўтказишда, керакли шарт-шароитларни яратиб бериши шарт.

8.4. Мажбуриятларни бажармаслиги ваколатли идора томонидан тасдиқланган бартараф этиб бўлмайдиган вазиятлар оқибатид юзага келган бўлса, шартнома бўйича қисман ва тўлиқ бажарилмаган мажбуриятдан томонлар озод этиладилар.

8.5. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга бекор қилиниши кўзланаётган муддатдан 15 кун аввал ёзма хабарнома юборади.

8.6. Шартнома бекор қилинганидан сўнг, шартнома юзасидан ҳақиқий харажатлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.

8.7. Иш нархи ўзгарган ҳолатларда, шунингдек, ушбу шартноманинг амал этиш вақтида энг кам иш ҳаққи миқдори ўзгарганда тегишли индексация коэффициентини асосида шартноманинг нархи қайта кўриб чиқилади ва ёзма равишда расмийлаштирилади.

8.8. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, қолган барча ҳолатлар юзасидан томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини қўллайдилар.

8.9.2. Буюртмачи томонидан 2.2. ва 3.1. бандларни бажариш кечиктирилган ёки бажарилмаган тақдирда, бажарувчи томонидан шартнома бекор қилинади. Бунда бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганига жавобгар эмас.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади. Бюджет ташкилотлари билан тузилган шартномалар Ғазназилик бўлинмасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб қучга қиради.

9.2. Шартнома юридик қучга эга бўлган икки нусхада тузилади ва томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилади.

10. ТОМОНЛАРНИ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

Бажарувчи: «Аккредитация маркази» ДУК Адрес: 100170, Тошкент ш, Мустақиллик шох кўчаси, 105 уй Телефон: (78) 113-01-11 Банк реквизитлари: Х/р: 2021 0000 0008 7147 9001 АИТБ "Ипак йули" Сағбон филиали МФО: 01036, ИНН: 305478484, ОКЭД: 72190	Буюртмачи: Farg'ona viloyati Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish boshqarmasi Адрес: Телефон: Банк реквизитлари: Х/р: МФО: ИНН: ОКЭД:
--	---

Фарғона вил. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси
Фарғона ш. Ю.Саққокий к-си 39/41-уй.
Тел: 244-63-41 Факс: 244-61-80
Ш/р: 4001218603040705620044002
СТИР: 200145731 ОКОНХ: 97400
Фарғона вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси
Х/р: 23402000300100001010
ХККМ Мармазий банк Б.Б.Тошкент ш.
МФО:00014 СТИР:201122912

Бажарувчи корхона раҳбари:



А.А.Закиров



Буюртмачи корхона раҳбари:



(ИМЗО)

Қўрсат